



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

3 ЖИЛД, 12 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 3, НОМЕР 12

LOOK TO THE PAST

VOLUME 3, ISSUE 12



ТОШКЕНТ-2020

Бош мухаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош мухаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

«Ўтмишга назар» илмий журнали тахририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала «Взгляд в прошлое»
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Зияева Доно Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори, Телави
давлат университети, Грузия

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчехра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдишвили Майя
тарих фанлари доктори, Телави
давлат университети, Грузия

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети, Қозоғистон

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Гоффоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор,
Самарқанд давлат тиббиёт институти

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
профессор, Телави давлат
университети, Грузия

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Санпова Камола Давляталиевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор,
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Россия ФА, Санкт-Петербург
Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор,
Давлат тарихи институти, Қозоғистон

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Ал-Фаробий номидаги Қозоғистон
Миллий университети, Қозоғистон

Хайдаров Муродилла Махмуталиевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон миллий университети

Алиева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети

Талапов Бахриддин Алижанович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Наманган давлат университети

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT


1. Фарход Абдувалиевич Адиллов ОЗАРБАЙЖОННИНГ ЎЗБЕК ХАЛҚИГА БЕҒАРАЗ ЁРДАМИ (1966 ЙИЛ ТОШКЕНТ ЗИЛЗИЛАСИ МИСОЛИДА).....	4
2. Камолахон Юсуповна Абдуразакова “ДАВЛАТЛАРАРО АЛОҚАЛАР” ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ МОҲИЯТИ.....	10
3. Отабек Аманиллаевич Бахриев ИМОМ БУХОРИЙНИНГ ИСЛОМ ҚОНУНШУНОСЛИГИДАГИ МАВҚЕИ.....	15
4. Жонибек Бўтаев XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ - XX АСР БОШЛАРИДА САМАРҚАНД ВИЛОЯТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ ФАОЛИЯТИ.....	22
5. Рахмон Ибрагимов ТОШКЕНТ ВОҲАСИ ҚАДИМГИ ДАВР ТАРИХИНИНГ ДАВРЛАШТИРИЛИШИ ВА ХРОНОЛОГИЯСИ МАСАЛАСИГА ДОИР.....	30
6. Чинпўлат Минасидинович Курбанов XIX АСР ИККИНЧИ ЯРМИ – XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОНДА ВОЈХОНА ИШИ НАҚИДА.....	38
7. Юлдузхон Имомова ҚОРАБОҒ МОЖАРОСИГА ЛОББИЗМНИНГ ТАЪСИРИ.....	48
8. Музаффаржон Шарифжон ўғли Мансуров СОВЕТ ИТТИФОҚИ ЙИЛЛАРИДА “ИНТУРИСТ” ТАШКИЛОТИНИНГ ФАРҒОНА ТУРИСТИК МИНТАҚАСИДА ТУРИЗМ РИВОЖИДАГИ РОЛИ.....	53
9. Тимур Туляганович Раишев XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИДА ТУРКЕСТОН ҲАРБИЙ ОКРУГИ ҚЎШИНЛАРИ: МОДДИЙ ТАЪМИНОТ МАСАЛАСИГА ДОИР.....	59
10. Нодира Набиевна Сафиходжаева ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА МЕҲРИБОНЛИК УЙЛАРИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ.....	67
11. Азизбек Гўзалович Холлиев XIX АСР ОХИРИ - XX АСР БОШИДА РОССИЯ ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАРИ ТАРИХИ ТАРИХШУНОСЛИГИ.....	75
12. Фуркат Эшбоевич Тошбоев, Дилшод Рашидович Холмуродов ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ АРХЕОЛОГЛАРИНИНГ ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ ТАРИХИДАН.....	82

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Жонибек Бўтаев,
Ўзбекистон Миллий университети
Манбашунослик ва архившунослик
кафедраси таянч докторанти,
:mr.butayev@mail.ru

ХІХ АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ - ХХ АСР БОШЛАРИДА САМАРҚАНД ВИЛОЯТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ ФАОЛИЯТИ

For citation: Jonibek Butaev, THE ACTIVITY OF SAMARKAND REGIONAL STATISTICAL COMMITTEE IN SECOND HALF OF THE XIX CENTURY - EARLY XX CENTURY. Look to the past. 2020, vol. 12, issue 3, pp.22-29

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-12-4>

АННОТАЦИЯ

Мақола Самарқанд вилояти статистика қўмитасининг ХІХ асрнинг иккинчи ярми – ХХ аср бошларидаги фаолияти таҳлиliga бағишланган. Туркистон ўлкаси ва барча вилоятларида 19 аср иккинчи ярмида ташкил этилган статистика қўмиталари ва бошқармалари ўлканинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётини тадқиқ этиш, статистик ҳисоботлар ва тўпламлар тузиш, шунингдек империянинг мустамлакачилик сиёсатини мустаҳкамлашда катта ўрин тутган. Мақолада Самарқанд вилоятига статистика қўмитаси ва бошқармасига оид маълумотлар таҳлили келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: статистика, статистик тўплам, округ, уезд, волост, губернаторлик, қўмита, бошқарма, Низом, кутубхона, девонхона.

Жонибек Бутаев,
базовый докторант кафедры
Источниковедение и архивное дело,
Национальный университет Узбекистана
:mr.butayev@mail.ru

ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ САМАРҚАНДСКОГО ОБЛАСТНОГО СТАТИСТИЧЕСКИЙ КОМИТЕТА ВО ВТОРОЙ ПОЛОВИНЕ ХІХ – НАЧАЛО ХХ ВЕКА

АННОТАЦИЯ

Статья посвящена анализу деятельности Самарқандского областного статистического комитета во второй половине ХІХ - начале ХХ веков. Статистические комитеты и ведомства, созданные во второй половине ХІХ века в Туркестане и всех его провинциях, изучают социально-экономическую, политическую и культурную жизнь страны, составляют

статистические отчеты и сборники, а также закрепляют колониальную политику империи. В статье анализируются данные Статкомитета и Управления Самаркандской области.

Ключевые слова: статистика, статистический сборник, район, уезд, волость, губернаторство, комитет, правление, система, библиотека, канцелярия.

Jonibek Butayev,

basic doctoral student of the department
Source studies and archival studies,
National University of Uzbekistan
e-mail: mr.butayev@mail.ru

THE ACTIVITY OF SAMARKAND REGIONAL STATISTICAL COMMITTEE IN SECOND HALF OF THE XIX CENTURY - EARLY XX CENTURY

ABSTRACT

The article is devoted to the analysis of the activities of the Samarkand Regional Statistics Committee in the second half of the XIX - early XX centuries. Statistical committees and departments established in the second half of the 19th century in the province of Turkestan and all regions to study the socio-economic, political and cultural life of the country, compile statistical reports and collections, as well as consolidate the colonial policy of the empire. The article analyzes the data of the Statistics Committee and the Department of Samarkand region.

Index Terms: statistics, statistical collection, district, county, volost, governorship, committee, board, system, library, chancellery.

1. Долзарблиги:

Маълумки, Россия империяси томонидан хонликлар худуди босиб олинган, империя ўз бошқарувини янада мустақамлаш мақсадида бир қатор давлат органларини ташкил этишга киришди. Мазкур органлар империянинг мустамлакачилик сиёсатини ҳар томонлама кенгайтириб, худудимиздан ички бозор ва хом-ашё манбаи сифатида фойдаланишда катта ўрин тутди. Империя ҳукумати томонидан Туркистон генерал-губернаторлигида турли соҳалар бўйича давлат органлари фаолияти йўлга қўйилди. Жумладан, ўлканинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, хўжалик ва маданий ҳаётига оид маълумотларни ўрганиш ҳамда статистик жиҳатдан тадқиқ билан шуғулланувчи алоҳида давлат органи ташкил этиш зарурати туғилди.

2.Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Туркистон ўлкаси бўйича статистика қўмиталари ташкил этиш зарурияти туфайли вилоят губернаторлари таклифи асосида 1875 йилдан бошлаб ўлка вилоятларида статистика бўлимлари тузилди. Туркистон Статистика қўмитаси Зарафшон бўлимининг биринчи йиғилиши 1875 йил 7 августда бўлиб ўтиб, ёпиқ овоз бериш йўли билан Қўмита раиси ва котиби сайланган ҳамда фаолият йўналишлари белгилаб олинган. [1]

Туркистон статистика қўмитаси, вилоят ёки маҳаллий қўмиталар аъзоларининг статистик ишлари фақат битта статистик рақамлар ва маълумотлар тўплами ёки аллақачон мавжуд бўлган статистик рақамлардан олинган хулосалар билан чегараланиб қолмаслиги кераклиги белгилаб олинди. Қўмитанинг статистика ишлари кенг маънода қуйидагиларни қамраб олиши керак эди: худуднинг географияси ва этнографияси ёки халқларнинг ўтмишдаги ҳаётини ўрганиш; худуднинг тарихий ёдгорликларини тавсифлаш ва ўрганиш; ҳам маиший, ҳам адабий, қишлоқ хўжалиги касблари ва хунарлари ҳақидаги маълумотлар; одамларнинг савдо фаолияти; иқлимшунослик ва метеорология бўйича тадқиқотлар ва бошқалар. Туркистон вилоятидаги статистик тадқиқотларнинг батафсил умумий дастури Туркистон статистика қўмитасида нашр этилган.

Статистика қўмитасининг Зарафшон бўлими фаолиятининг умумий дастуридан шуни кўриш мумкинки, қўмита асарлари ва тадқиқотлари асосан Самарқанд бўлими томонидан

амалга оширилган. Каттакўрғон бўлими эса асосан этнографик ва топографик жихатдан энг кизиқарли маълумотларни акс эттирган тўпламлар билан шуғулланган.

1885 йилда Россия империясининг Ўрта Осиёдаги ҳарбий ҳаракатлари яқунлангач, империянинг ўлкадаги бошқарув сиёсати қайта кўриб чиқилди ва ўзгартирилди. Зарафшон округи номи маркази Самарқанд шаҳри бўлган Самарқанд вилояти деб ўзгартирилди. Шу туфайли Зарафшон округи статистика бўлимининг фаолият йўналиши, хизмат вазифалари ва таркибий тузилиши такомиллаштириб чиқилиб, Самарқанд вилояти статистика қўмитаси деб аталадиган бўлди.

Самарқанд вилояти статистика қўмитаси фаолияти 1886 йилги “Туркистон вилоятини бошқариш тўғрисидаги Низом” [2] асосида фаолиятини бошлаган ва вазифалари белгилаб берилган. Унгача юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, вилоят Зарафшон округи деб номланган 1868-1886 йилларда 1875 йилдан бошлаб вилоятда статистик ишлар ва тадқиқотларни Зарафшон округи статистика бўлими олиб борган.

1886 йилги Низомда Туркистон ўлкаси таркибидаги вилоятларида статистика қўмиталари тузилиши белгилаб берилган. Мазкур Низомдан келиб чиққан ҳолда, 1887 йил 29 августда Туркистон генерал-губернаторининг 98-сонли буйруғи қабул қилинган [3]. 1886 йилги Низомнинг 55-моддаси, вилоят маъмуриятлари тўғрисидаги низом ҳамда Сирдарё, Самарқанд ва Фарғона вилоятлари ҳарбий губернаторларининг хулосалари бўйича 1887 йилнинг 1 октябридан бошлаб вилоятларда Статистика қўмиталари фаолияти йўлга қўйилди.

Туркистон генерал-губернаторининг юқоридаги 98-сонли буйруғи [4], Сирдарё, Самарқанд ва Фарғона вилояти губернаторларинг хулосалари ҳамда вилоят статистика қўмиталари тўғрисидаги низомга (Умумий вилоятлар органлари тўғрисидаги низомнинг 521-моддаси) кўра 1887 йил 1 октябрдан вилоятлар статистика қўмиталари қуйидаги таркибда бўлиши қайд қилинди: Сирдарё вилояти Статистика қўмитаси: Раис – вилоят ҳарбий губернатори, доимий аъзолар: вилоят ҳарбий губернатор ёрдамчиси, вилоят шифокори, Туркистон Ғазначилик палатаси бошлиғи, тоғ-кончилик ва йўл ҳаракати бўлимларининг асосий раҳбарлари, вилоят ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошлиқлари; Фарғона ва Самарқанд вилояти қўмиталари эса: Раис – ҳарбий губернатор, доимий аъзолар: ҳарбий губернатор ёрдамчиси, вилоят шифокори ва халқ таълими бошлиғи.

Қўмиталарнинг котибларини тайинлаш, қўмиталарни сақлаш учун ажратилган маблағларнинг сарфланиши, қўмиталар фаолияти ва бошқаруви 1886 йилги Низом асосида бўлиши генерал-губернатор томонидан белгилаб қўйилди [5].

Қўмита аъзолари орасидан ҳар 3 йилда бир марта сайланадиган котиб ва раиснинг ёрдамчиси Қўмита ишларининг ривожланиши ва муваффақиятли бажарилишини диққат билан кузатиб борган ҳамда вилоят губернаторига барча статистик ишларни бажаришда ёрдам берган.

Самарқанд вилояти статистика қўмитасининг доимий аъзолари тўлиқ таркиби қуйидагилардир: Вилоят амалдорлари етакчиси, вилоят губернатори ўринбосари, вилоятдаги ҳокимиятнинг алоҳида бўлимлари, яъни молия, давлат мулки, хусусий ва тиббий фуқаролик бўлими раҳбарлари; вилоят халқ таълими раҳбари; университет статистика профессори; Православ черковининг вакили; бошқа дин вакиллари; темир йўллар бошқармаси аъзоси; вилоят губернатори томонидан тайинланадиган кон бошқармасининг раҳбари.

Тўлиқ ва фахрий аъзолар қўмита умумий йиғилишида сайланган. Қўмита котибини эса вилоят губернатори тайинлаган ва тасдиқлаган.

Қўмитани сақлаш маблағлари қуйидагилар бўлган: 1) вилоят земство тўловларидан тушган тушумлар, 2) ходимлар йиллик иш ҳақидан 1500 дан 2000 рублгача бўлган тушум, 3) нафақалар 4) вилоят босмахонаси даромадлари, 5) Қўмита нашрларини сотишдан тушадиган маблағлар. Кўрсатилган суммалар қўмита ўз ихтиёри билан тасарруф этадиган суммалар бўлган. Мазкур суммалардан қўмита котибининг иш ҳақи учун ҳар йили бир хил 750 рубль миқдорида маблағ ажратилган.

Тасдиқланган йиллик маблағдан ортиб қолган миқдорлар кейинги йилги қўмита томонидан тасдиқланадиган йиллик харажатлар жадвалига киритилган ва тақсимланган.

Қўмитанинг йиллик харажатлари қуйидагиларга тақсимланган: 1) Қўмитанинг илмий ишларини қайта ишлаш ва ёзишмалар харажатлари учун; 2) иш юритиш эҳтиёжлари учун; 3) илмий қўлланмаларни сотиб олиш учун; 4) китоблар, хариталар ва журналлар харид қилиш; 5) Қўмита асарларини нашр этиш харажатлари учун; 6) ходимларни статистика топшириқлари билан вилоятлар ва туманларга юбориш харажатлари ва ниҳоят, 7) агар Қўмита девонхонаси учун бўш жой бўлмаса жой ажратиш харажатлари [6]. Вилоят статистика қўмиталари ишлаб чиқариш ва илмий йўналиш бўйича Марказий статистика қўмитасига бўйсунган.

Маъмурий статистикани юритиш бўйича статистика қўмитасининг асосий мақсади қуйидагилар бўлган: ҳар бир вилоят учун ҳукумат ва Марказий статистика қўмитасининг илтимосига биноан вилоятнинг сони ва сифати, вилоят аҳолиси ва ишлаб чиқарувчи кучлари тўғрисидаги аниқ статистик маълумотларни тўплашнинг энг тўғри усулларини яратиш. Мазкур маълумотларни ягона бир шаклда қайта ишлаш Ички ишлар вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ва статистика қўмиталарига етказилган.

Йил давомида ёки йилнинг маълум вақтида тўпланган маълумотлардан Қўмиталар қуйидагиларни тузган: 1) Марказий статистика қўмиталари томонидан талаб қилинадиган ҳар хил йўналишлар бўйича статистик жадваллар тайёрлаш 2) вилоят губернаторлари бошқарув ҳолати тўғрисидаги статистик маълумотлар ва уларнинг йиллик ҳисоботлари учун бошқа маълумотлар (уларни тақдим этиш тартиби Ички ишлар вазирлиги томонидан зарур бўлган ҳолларда тегишли вазирликлар билан келишилган ҳолда тузилган кўрсатма асосида бўлган) 3) Земство муассасалари тўғрисидаги ва Земство божлари тўғрисидаги Низомда кўрсатилган мавзулар бўйича статистик ҳисоботлар. Ушбу жадваллар ва ҳисоботлар тегишли услублар билан ишлаб чиқилиши ва тегишли жойга Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланган муддатда тақдим этилиши керак бўлган.

Бундан ташқари, вилоят статистика қўмиталарига вилоятларнинг, шунингдек шаҳарларнинг ва айниқса баъзи бир сабабларга кўра вилоятнинг топографик, тарихий, sanoat, савдо, қишлоқ хўжалиги ва диққатга сазовор жойлар ҳақида батафсил тавсифларни тузиш, вилоят тўпламларида тегишли мақолалар ва тавсифларни чоп этиш, вилоятлар ва алоҳида шаҳарлар тўғрисида эсдалик китобларини тўплаш ва нашрдан чиқариш, сўнгра вилоятлар ҳамда уларнинг қисмлари ҳақидаги алоҳида монографияларни ва тавсифларни чоп этиш вазифаси ҳам юклатилган.

3. Тадқиқот натижалари:

1886 йилнинг 16 августида Самарқанд вилояти ҳарбий губернатори Туркистон генерал-губернаторига ҳар бир минтақада Статистика қўмитасининг амалдаги қонуний қоидаларга мувофиқ ташкил этилиши ва бу борада кутилаётган харажатлар тўғрисида таклиф билан чиққан [7].

Ушбу таклифга кўра, ҳар учала минтақада ҳам статистика қўмиталарини тузиш мақсадга мувофиқ эканлиги қайд этилган ва таркиби қуйидагича бўлиши таклиф қилинган: Сирдарё, Фарғона ва Самарқанд Статистика қўмитасининг ажралмас аъзолари; ҳарбий губернаторлар бўлиши: Сирдарёда: Ҳарбий губернаторнинг ёрдамчиси, Ғазначилик палатаси бошлиғи, Назорат палатаси бошлиғи, вилоят шифокори ва Тошкент шаҳар ҳокими; Фарғонада: Ҳарбий губернаторнинг ёрдамчиси, вилоят шифокори, халқ таълими мактаблари раҳбари, Епархия маъмурияти ва шаҳар иқтисодий маъмурияти раисининг қарорига биноан православ черкови аъзоси (бундан ташқари Фарғона вилоятида бўлинмалар бўйича алоҳида бўлинмалар командирлари йўқ бўлганда Статистика қўмитасининг ажралмас аъзолари вазифаларини Ғазначилик губернатори ва генерал-губернаторга бириктирилган кончилик бўйича мутасаддига етказиш ва уларнинг ушбу минтақага ишбилармонлик ташрифлари чоғида Қўмита мажлисларида қатнашишлари шартлигини белгилаб қўйилиши керак) Самарқандда: ҳарбий губернаторнинг ёрдамчиси, вилоят шифокори, Самарқанд черкови бошлиғи, Самарқанд округи бошлиғи, судя, туман шифокори, туман хазиначиси ҳамда ирригация, қурилиш ва маҳаллий бошқарув бўйича масъул раҳбарлар.

Шунингдек, Қўмита котибининг вазифаларини бажариш учун агар йилига 750 рубль миқдоридаги иш ҳақи учун тегишли одамни топиш имкони бўлмаса, минтақадаги эркаклардан бирига тайинлаш қулайроқ деб тан олинади. Мазкур лавозимдаги шахс учун Сирдарё Статистика қўмитаси йиллик харажатларидан йилига 600 рубль, Фарғонада 750 рубль ва Зарафшон округида, агар статистика қўмитаси котиби лавозимида махсус мансабдор шахсни тайинлаш зарур бўлса, унга йилига 1500 рубль миқдорида иш ҳақи тайинланиши, шунингдек, Қўмитанинг девонхона ишлари харажатларига 300 рубль ва ҳисоботлар учун материалларни йиғишга 1200 рубль миқдорида маблағ ажратилиши таклиф қилиб ўтилган [8].

Фарғона вилояти ҳарбий губернатори биринчи навбатда Статистика қўмитасини сақлаш учун қуйидаги харажатлар зарур деб, ўз таклифини бериб ўтган:

Котибининг вазифалари учун масъул бўлган шахсга иш ҳақи – 750 рубль

Ишга одам ёллаш ва девонхона ишлари учун – 500 рубль

Китоблар, хариталар ва журналларни сотиб олиш учун – 200 рубль

Зарур хизмат сафарларида, шу жумладан таржимон ёллашга – 300 рубль.

Сирдарё вилояти ҳарбий губернатори вилоят статистика қўмитаси йиллик харажатлари учун йилига 2000 рубль кредит ажратиш ва уни қуйидагича тақсимлашни таклиф қилган:

1. Қўмита котибига иш ҳақи – 600 рубль.

2. Идора харажатлари учун – 300 рубль.

3. Кутубхона учун карта сотиб олиш ва бошқалар – 100 рубль

4. Қўмита ишларини нашр этиш учун – 1000 рубль.

Жами – 2000 рубль.

Ходимлар сонининг кўрсатилган тақсимотини тушунтиришда ўша даврда Сирдарё вилояти ҳарбий губернатори бўлган генерал-майор Гродеков қуйидагиларни таъкидлаб ўтган [9]: 1) Иш юритиш харажатларини сарфлаш Котибга топширилиши керак, унга ойлик эмас, балки 75 рубль миқдорида хизмат ҳақи берилиши керак; 2) турли ҳужжатларни сақлаш учун Қўмитага кутубхона жуда зарур; 3) кутубхонада статистик ҳисоботлар ва маълумотномалар, географик хариталар, қўмитанинг турли хил ҳужжатлари ва ҳужжатларнинг нусхалари, турли бўлимларнинг ҳужжатлари. 4) Қўмита кубутхонаси Вилоят бошқармасида алоҳида хонада бўлиши керак ва бошқарманинг ишларида ёрдам беради. 5) Барча қўлёзма ҳужжатлар кутубхонада боғланган ҳолда сақланиши керак ва бу Қўмита расмийлари ва котибининг ишини анча енгиллаштиради, чунки маълум ишлар учун зарур бўлган маълумотлар бир жойда тўпланади ҳамда Қўмита идораси ишлари атрофга тарқалиб кетмайди.

Кутубхонани шакллантириш ва бошқариш Котибга тегишли бўлиб, у каталогни тузиш, кутубхонани янги олинган асарлар ва қўлёзмалар билан босқичма-босқич тўлдириб бориши шарт. Қўмита кутубхонаси вилоят кенгашида сақланиши мумкин ва у вилоят кенгашидаги турли хил махсус масалаларни ҳал қилишда ёрдам беради.

Марказий статистика қўмитасига ва ички ишлар вазирлигига етказилган ва турли бўлимларнинг талабларига биноан бажарилган қўмитанинг барча мажбурий ишлари йиллик маблағларидан ёзишмалар нархида бажарилиши керак ва уларни нашр қилиш учун 1000 рубль миқдорида маблағ ажратилган. Нашрлар эса эсдалик китоблари, тўпламлар, йилномалар ва бошқалар кўринишида амалга оширилиши мумкин. Бундан ташқари, ушбу соҳани ўрганишда бегона шахслар жалб қилинганда фақат энг яхши ишлар учун ҳақ тўланиши керак. Тўлов юқоридаги 1000 рублдан, ҳар бир варақ учун 20 дан 50 рублгача миқдорида берилиши мумкин. Аммо тақдим этилган иш ва мақола Қўмитанинг умумий таркибида ёки ундан ажратилган махсус таҳририят қўмитасида кўриб чиқилгандан кейин берилиши керак.

Китоб ва рисола нашр қилинган тақдирда, у қўмита назорат палатасида фақат нашр харажатлари нуқтаи назаридан кўриб чиқилади, яъни қоғоз сотиб олишда, босмахона харажатларида, реклама учун газеталарга пул тўлашда ва ҳ.к.да. Шунга қарамай, нусхаларини нашр қилиш Қўмитанинг тўлиқ ихтиёрига берилади, уларнинг 2-3 нусхаси

китобга киритилган мақолалар муаллифларига берилиши мумкин. Статистика кўмиталарининг бошқа нашрлари, географик ва шунга ўхшаш илмий жамиятларнинг нашрларини белгиланган нархда сотадилар ва барча даромадлар Кўмитанинг ўз кассаларига юборилиши кераклигини ҳам таъкидлаб ўтган.

Шунингдек, губернатор Гродеков ўз таклифида Статистика кўмиталарига маблағ давлат томонидан эмас, балки вилоят земстволари йиғиндисидан амалга оширилиши ва Бошқарув палаталари томонидан текширилмаслиги кераклигини таъкидлаган [10].

Худудий статистика кўмиталарига ажратиладиган маҳаллий земство солиғи давлат даромадларининг бир қисмидир, шунинг учун ундан олинган харажатлар Давлат назорат идораси томонидан текширилиши керак.

Хулоса қилиб айтганда, Сирдарё вилоятининг ҳарбий губернатори Кўмита аъзолари ёки котибига маълум худудларни ўрганиш учун минтақанинг ички қисмига саёхатлар қилганда маблағ ажратиш кераклиги хусусида таклиф билан чиққан.

Губернатор шунингдек, бундай саёхатлар статистик тадқиқотларда сўзсиз фойдали эканлигини инobatга олган ҳолда, генерал-губернаторга Кўмитага аъзоларига ва котибга ўз маблағлари ҳисобидан амалдаги йўл ҳақи миқдорида саёхат учун грантлар ажратишда ёрдам беришни сўраган.

Нақд харажатлар тўғрисида қисқача йиллик ҳисоботни Кўмита кейинги ҳисобот йилининг 1-февралигача вилоят губернаторига топшириши ва йиллик фаолияти ва йиғилишлари тўғрисидаги ҳисоботини нашр этиш мажбуриятини олиши кераклигини ҳам қайд этиб ўтади.

Гродеков ўз таклифида, Сирдарё вилоят статистика кўмитаси таркибига қуйидагиларни киритган: раис – вилоят ҳарбий губернатори ва доимий аъзолари: ҳарбий губернаторнинг ёрдамчиси, вилоят шифокори, Туркистон ғазначилиг бошлиғи, жаноб хазратлари ҳузуридаги махсус топшириқлар учун амалдорлар: алоқа йўллари ва тоғ-кончилик соҳаси раҳбарлари, давлат мактаблари инспектори, Сирдарё вилояти ва Тошкент шаҳар ҳокими (7 та доимий аъзо).

Фарғона ва Самарқанд вилоят статистика кўмиталари эса: раис - ҳарбий губернатор ва қуйидаги доимий аъзолар: ҳарбий губернаторнинг ёрдамчиси, вилоят шифокори ва инспектори, давлат мактаблари раҳбарлари, Бу ерда шуни қайд этиб ўтиш керакки, кўмита таркибига мусулмон руҳонийси вакили киритилмаган.

1886 йилги земство ҳисоб-китобига кўра, минтақадаги учта статистика кўмитасини сақлашга 6000 рубль ажратилган. Бу харажатлар Давлат кенгаши томонидан тасдиқланган ва шунинг учун юқорида қайд этилган таркибда ҳар бир вилоятда кўмиталар ташкил этилган [11].

Кўмиталар маблағларни сарфлашда:

1) Кўмита котиби учун ойлик маош миқдори қонун билан, яъни йилига 750 рубль миқдорида белгиланган. Котибнинг вазифалари кўмитанинг руҳсати билан бошқа лавозимлар билан бирлаштирилиши мумкин.

2) Статистика кўмиталари тўғрисидаги Низомнинг 22-бандига биноан, эҳтиёжлари учун Кўмита томонидан тасдиқланган ҳисоб-китобларга ажратилган маблағларни сарфлашга руҳсат берилган.

3) Низомнинг 24-бандига кўра Кўмитанинг тушумлари, харажатлари ва йиллик харажатларини қайта кўриб чиқишда улар нақд пул тўғрисидаги умумий қоидаларга бўйсунган.

4) Низомнинг 23-бандига Кўмитанинг ортиқча маблағларини, шу жумладан Кўмита нашрларини сотишдан тушадиган маблағларни сарфлаш тартиби кўрсатиб ўтилган ва Кўмита ихтиёрига берилган.

Шуни ҳисобга олган ҳолда, статистика кўмиталарини очиш тўғрисидаги буйруқ билан бир вақтда минтақаларнинг ҳарбий губернаторларига уларнинг иш фаолиятида, шунингдек уларни сақлаш учун ажратилган маблағларни сарфлашда “Статистик кўмиталар тўғрисидаги умумий қоидалар”га асосланиши кераклиги тўғрисида кўрсатма бериб ўтилган.

Кўмиталар ўз фаолиятида Ички ишлар вазирлигига ҳам талаб қилинган вақтда ҳисоботлар тақдим этиб боришган. Ички ишлар вазирлиги Марказий статистика кўмитасининг вилоят ҳарбий губернаторларига 1887 йил 9-декабрда ёзган 2607-сонли хатида куйидагилар маълумотларни етказиб бериши сўраб ўтилган:

1) Вилоятнинг земство ва шаҳар муассасаларида ва уларнинг остида - статистика органлари (бюро, бўлим ва бошқалар) ёки статистик маълумотларни йиғиш ёки ишлаб чиқиш ёки статистик тадқиқотлар ишлаб чиқариш вазифаси юклатилган махсус мансабдор шахслар мавжудлиги

2) ушбу органлар айнан кимлардан иборатлиги, яъни уларни исм-шарифлари билан кўрсатган ҳолда.

3) статистик маълумотлар учун қанча ва айнан нима учун ажратилиши.

4) земство ва шаҳар муассасалари учун зарур бўлган статистик тадқиқотлар қандай тартибда ва ким орқали амалга оширилишини

5) вилоят ҳарбий губернатори бундай статистика органлари ёки айрим мансабдор шахсларнинг таркиби ва фаолият дастури тўғрисида аниқ маълумотга эга ёки эгамаслиги.

Самарқанд вилояти статистика кўмитаси Туркистон генерал-губернаторига йиллик фаолияти, сарф-харажатлари ва амалга оширган ишлар юзасидан ҳар йили ҳисоботлар тақдим этиб борган. Бу ҳақда Ўзбекистон Миллий архивидаги фондларда батафсил маълумотлар бериб ўтилган.

4. Хулосалар:

Мазкур фондлардаги ишлардан шуни кўриш мумкинки, Самарқанд вилояти статистика кўмитаси ёзма ва жадвалли шаклда белгилаб берилган услубда ва муддатда ҳисоботларини тақдим этиб боришган.

Вилоят статистика кўмитасининг фаолият йўналиши куйидагича бўлган:

а) қилиниши шарт бўлган ишлар:

1) Самарқанд вилоятининг йиллик статистик шарҳларни нашр этиб бориш;

2) вилоятнинг йиллик манзилли-календарини чоп этиш;

3) вилоят бўйича турли давлат ташкилотлари ва шахслар ҳақидаги статистик маълумотлар тўплаш;

4) турли йўналишлар бўйича статистик жадваллар ва ҳисоботлар тайёрлаш ва бошқалар.

б) ихтиёрий ишлар:

1) Самарқанд вилояти қишлоқ хўжалиги, аҳолиси, қабилалар, аҳоли саломатлиги ва гигиенаси бўйича статистик маълумотларни тўплаш;

2) “Самарқанд вилояти маълумотномаси” китобининг йиллик нашрларини тайёрлаш;

3) турли йўналишларга оид китоблар нашрдан чиқариш. Жумладан, шаҳар тарихи, этнографияси, топонимикаси, аҳоли рўйхати, аҳоли саломатлиги, қишлоқ хўжалиги ва ҳ.к.

Юқоридаги вазифалар бўйича кўмита таркибий қисми иш олиб бориб, амалга оширган ишларни кўмитага тақдим этган. Кўмитанинг умумий йиғилишида муҳокама қилиниб йиғилиш баённомаси, кўмита фаолияти, сарф-харажатлари, қирим-чиқимлар, кўмитанинг кутубхона ва музейи фаолияти, статистик жадвалларни ўз ичига олган ҳисоботлар умумлаштириб Туркистон генерал-губернаторига тақдим этилган.

Иктибослар/ Сноски/References:

1. ЎзМА И-22-фонд, 2-рўйхат, 1478-иш, 1-варақ (UzNA I-22 fund, list 2, case 1478, sheet 1).
2. Положение об управлении Туркестанского края. Том 2. Часть 2. 1886 год (Regulations on the management of the Turkestan region. Volume 2. Part 2. 1886).
3. ЎзМА. И-1-фонд, 22-рўйхат, 804-иш, 21-варақ (UzNA. I-1 fund, 22nd list, 804th case, 21st sheet.).
4. ЎзМА И-1-фонд, 35-рўйхат, 21-иш, 105-варақ (UzNA I-1 fund, list 35, case 21, page 105).
5. ЎзМА И-1-фонд, 35-рўйхат, 21-иш, 105-варақ (UzNA I-1 fund, list 35, case 21, page 105).

6. ЎзМА И-1-фонд, 22-рўйхат, 804-иш, 15-варақ (UzNA I-1 fund, list 22, case 804, page 15).
7. ЎзМА И-1-фонд, 22-рўйхат, 804-иш, 16-варақ (UzNA I-1 fund, list 22, case 804, page 16).
8. ЎзМА И-1-фонд, 22-рўйхат, 804-иш, 16-варақ (UzNA I-1 fund, list 22, case 804, page 16).
9. ЎзМА И-1-фонд, 22-рўйхат, 804-иш, 17-варақ (UzNA I-1 fund, list 22, case 804, page 17).
10. ЎзМА И-1-фонд, 22-рўйхат, 804-иш, 17-орқа варақ (UzNA I-1 fund, 22 lists, 804 cases, 17 back pages).
11. ЎзМА И-1-фонд, 22-рўйхат, 804-иш, 19-варақ (UzNA I-1 fund, list 22, case 804, page 19).

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

№12 (2020)

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000